



*Азиз*  
*Несин*  
**ҒАРОЙИБ**  
**БОЛАДАР**



*Адиэ  
Несин*

ҒАРОЙИБ  
БОЛАЛАР

*Роман ва ҳикоялар*

Тошкент  
«Юлдузча»  
1988

Турк тилидан МИАД ҲАКИМОВ таржимаси

Несин, Азиз.

Ғаройиб болалар: Роман ва ҳикоялар: (Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун).—Т.: Юлдузча, 1988.—208 б.

«Рогаткага майда тошчалардан қўйиб, қушларни пойлаб отишамиз, ҳеч ҳам тегмайди. Бир пайт қўққисдан рўпарадаги дарахтдан бир гала чумчуқ «пир» этиб, осмонга кўтарилди. Бурҳон акам дарҳол рогаткага тош жойлади-да, резинкани чўзиб туриб бир отган эди, битта чумчуқ «тап» этиб ерга тушди.»

Азиз болалар, юқорида ўқиган парчангиз атоқли турк ёзувчиси Азиз Несиннинг «Чумчуқ ови» ҳикоясидан олинди. Бола чумчуқчани отиб тўғри иш қилдими? Йўқ, албатта. Ҳикоянинг давомини ёзувчининг қўлингиздаги китобидан ўқиб оласиз. Тўпلامда ёзувчининг турк болаларининг аянчли ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Ғаройиб болалар» романи ҳамда бир нечта ҳикоялари жамланди.

Несин А. Удивительные дети: Роман и рассказы: Для детей ср. школ. возраста.

71  $\frac{4803020000-45}{360(04) 88}$  57-88

ISBN 5-8250-0052-6

© «Юлдузча» нашриёти, 1988





## ГАРОЙИБ БОЛАЛАР БИРИНЧИ ХАТ

*Анқара, 12 ноябрь, 1963 йил.*

Дўстим Аҳмад!

Бир-биримиз билан тез-тез хат ёзишиб турамыз, деб ваъдалашган эдик. Негадир ушанда менга унчалик ишонқиравомдинг... Зайнаб, сен Анқарада ўзингга янги ўртоқлар топгач, бизларни эсдан чиқариб юборасан, деган эдинг.

Мана, сўзимнинг устидан чиқяпман. Демак, сизларни унутмабман.

Анқарага кўчиб келганимизга бир ҳафта бўлди. Янги уйга жойлашиб ҳам олдик. Сенга илгарироқ хат ёзишнинг иложи бўлмади.

Чунки янги мактабга энди қатнай бошладим. Янги

адресимизни ҳам кун кеча дадамдан биллиб олдим. Хат ёзишни сендан бошлаячман.

Тўғриси айтганда, ўқишлар авжи қизиб турганида мактабни ташлаб, Истамбулдан чиқиб кетишга ҳечам кўнглим бўлмовди, ҳам синфдош ўртоқларимга ўрганиб қолган эдим. Ахир тўрт йилдан кўп бирга ўқидик-да. Аммо иложим қанча, дадам Анқарага янги ишга ўтди. Уй ичи билан кўчиб келдик. Яқин оғайнилари дадамга Анқарадан яхшироқ иш топиб беришди, бу ҳақда сенга Истамбулда ҳам айтган эдим. Дадам учта синфдош ўртоғи билан ҳозир бир фирмада ишляпти. Учови ҳам оиласи билан бир бинода туришаркан. Улар дадамга ҳам иш, ҳам шу бинодан бўш уй топиб қўйишибди. Дадамнинг ўртоқлари ҳам бола-чақали экан. Бир бинода тўққиз бола бўлиб қолдик. Ёшларимиз ҳар хил. Бештамиз битта мактабга қатнаймиз. Ўзим тенги бир бола билан бир синфда ўқияпман. Укам Метин янги мактабдан, янги ўртоқларидан ётсираб юрибди. Мен бўлсам ҳаммасига дарров кўникиб кетдим.

Ҳаётда рўй берадиган муҳим воқеалар ҳақида ёзиб туришга келишиб олган эдик. Янги уй, янги мактаб янги ўртоқлар — булар менинг ҳаётимда муҳим гап бўлди. Ҳаммаси шу, бўлак янгиликлар йўқ.

Истамбулдаги синфдош ўртоқларимни жуда тез соғиниб қолдим. Сизлар билан қачон ва қаерда кўришамиз энди?

Менга ўхшаб сен ҳам берган сўзингнинг устидан чиқасан, деб ишонаман. Ўртоқларнинг ҳаммасига мепдан салом айтиб қўй. Ҳаммангизга муваффақият тилайман.

*Синфдошинг Зайнаб Ёлқир.*

## АМЕРИКАНИ ҚУРГАН МЕЪМОР

*Истамбул, 15 ноябрь, 1963 йил.*

Қадрдон дўстим Зайнаб!

Хатингни олиб, жуда хурсанд бўлдим. Яшавор. Очигини айтсам, Анқарага боргандан кейин бизни эсдан чиқариб юборасан, деб уйлагандим. Хатингни синфдаги ҳамма болаларга ўқиб бердим. Тоза хурсанд бўлишди. Ҳаммалари сенга салом айтишди.

Мен ҳам сўзимнинг устидан чиқаман. Бу ерда юз

берадиган муҳим воқеалар ҳақида сенга албатта ёзиб тураман.

Сен Анқарага кўчиб кетганингдан кейин мен қизиқ бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Ҳозир сенга шуни ҳикоя қилиб бераман.

Ўқитувчимиз бир куни эрталаб синфга ҳовлиқиб кириб келди-да, бизни текширгани инспектор келаётганмиш, деди. Ўқитувчининг ранг-рўйини кўриб, бизни баттар қалтироқ босди.

Уша куни эшитсак, инспектор қўшни мактабларда ҳам бўлган экан. У ерда нима ишлар қилганини дарров таниш болалардан суриштириб, билиб олдик. Маълум бўлишича, у тўғри синфга кириб бораркан-да, ўқитувчига доскага бирор масала ёзиб, ўқувчиларга ечтиришни буюраркан. Шундан кейин ўқитувчига айтиб, болалардан диктант олдиранкан. Диктантларни йиғиштириб, шахсан ўзи текшириб чиқаркан. Охири у савол-жавобга ўтаркан. Нима савол беришини ҳам билиб олдик. Сўрайдиган нарсалари шу экан: «Америка қачон кашф этилган?», «Энг севган одаминг ким?», «Истамбулни ким забт қилган?», «Сулаймония мачитини ким қурган?».

Ўқитувчимиз бизга янги дафтар тутишни буюрди. Шундан кейин у доскага қийин бир масалани ёзиб, шу ернинг ўзидаёқ уни ўзи ечди-да:

— Мана энди буни яхшилаб кўчириб олинглар,— деди.

Масалани ечими билан боплаб кўчириб олдик. Ўқитувчимиз уни ўчириб, ўрнига шеър ёзди.

— Буниям айнан кўчириб олинглар!

Яна айтганини қилдик. Шундан кейин у ҳамманинг дафтарини кўриб берди. Хатолари бўлса, тузатиб чиқди.

— Болалар, жаноб инспектор синфимизга кирса, мен сизларга мана шу масалани бериб, шу шеърни диктантга ёздираман,— деди у охири.

Буёғидан кўнгли хотиржам бўлгач, ўқитувчимиз масаланинг иккинчи томонига ўтди.

— Энди баъзи саволларга бериладиган жавоблар билан танишиб чиқамиз. Инспектор жаноблари нимани сўраб қолса, шуни шариллатиб жавоб беришингиз керак.

Биз савол-жавобларни ёдлашга ўтдик.

— Америка қачон кашф этилган?

Бутун синф бараварига гувиллайди:

— 1492 йилда.

— Сен учун энг азиз одам ким?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бергани учун 'синфда қий-чув кутарилди. Баъзилар Отатуркнинг номини айтишса, қолганлари ойиси билан дадасини тилга олади.

Ўқитувчимиз кейинги саволга ўтади:

— Истамбулни ким забт қилган?

Дарҳол жавобни ёпиштирамиз:

— Султон Меҳмед Фотиҳ!

— Сулаймония мачитини ким қурган?

Ҳали у сўраб улгурмасданоқ, шариллатиб жавоб берамиз:

— Меъмор Синон.

Савол-жавобларни ёдлашга икки кун вақтимиз кетди. Ўқитувчимиз ҳар икки гапнинг бирида: «Жавобларга эҳтиёт бўлинглар, тагин адашиб-нетиб ўтирмаглар», деб огоҳлантириб қўярди.

Ҳаммасини қойиллатиб ёдлаб олдим. Жавобларни бир сафга тизиб, ўзимча қайтараман: «1492. Дадам. Султон Меҳмед Фотиҳ. Меъмор Синон. 1492. Дадам. Султон Меҳмед Фотиҳ. Меъмор Синон. 1492. Дадам...»

Азбаройи булар миямга қаттиқ ўрнашиб қолганидан юрган йўлимда пичирлаб гапирадиган одат чиқарибман.

— Ҳа, ўғлим, тобинг йўқми?— сўраб қолди ойим бир куни эрталаб.

— Йўқ, тузукман.

— Ҳайронман. Туни билан «1492, дадам, султон Меҳмед Фотиҳ, меъмор Синон...» деб алаҳлаб чиқдинг.

Биз кутган инспектор ўша куни эрта билан синфга кириб келди. Узинг биласан-ку, менда ҳовлиқиш одати йўқ. Лекин ўша куни нимагадир ичимдан титроқ келиб, юрагим ҳаприқиб кетаверди. Балки ўқитувчимизнинг аҳволини кўриб, шундай бўлгандирман. Боёқишни қалтироқ босиб, қўли титраётганини бириинчи марта ўшанда кўрдим.

— Қани, ўқувчиларга диктант ёздиринг-чи!— деди инспектор.

Ўқитувчимиз бизга маълум бўлган шеърни диктант қила бошлади. Болалар унинг айтганини ёзаётгандек бўлиб, ручкаларини жўртгага қитирлатиб қўйишарди. Ваҳоланки, бу диктант дафтаримизга аллақачон бехато кўчириб қўйилган эди.

Диктант тугагач, инспектор дафтарларимизни бирма-



бир текшириб чиқди. Бирортамиздан ҳам заррача хато тополмади.

— Уқувчиларга яхши сабоқ берибсиз, ташаккур!— деди у боши осмонга етиб.

Инспектор чап қаторда ўтирган Чингизнинг дафтари кўришни унутган эканми, бир пайт: «Қани, сеникиниям бир кўрай-чи!» деб қолди. Чингиз унга дафтари унатди.

— Бу нимаси?— тутақиб кетди инспектор.

— Диктант, афандим.

— Қанақа диктант бу?

Инспекторнинг фиғони фалакка чиқди. Чингиз ўтирган томонга секин ўгирилиб қараган эдим, воқеа маълум бўлди: бола бечора кўрқиб кетганидан дафтари тўғри масала ёзилган бетини очиб юборибди.

— Ҳозир ёзган диктантнинг қани?

Чингиз сал бўлмаса диктантни очиб кўрсатай деди, яхшиямки, ўқитувчимиз инспекторнинг орқасида турган экан, Чингизга ҳар хил имо-шоралар қилиб, зинҳор диктантни кўрсатмаслик кераклигини тушутирди.

— Диктантни ёзолмадим, афандим.

Инспектор Чингизга сирли ишоралар қилаётган ўқитувчига ўгирилди:

— Доскага масала ёзинг, ечиб беришсин.

Ўқитувчимиз лавлагидек қизариб кетди.

Аслида биз инспектор олдин масала бериб, кейин диктант ўтказди, деб ўйлаган эдик. Қўшни мактаб болалари шундоқ дейишганди. Чингизнинг эсанкираб қолишига сабаб ҳам шу тартибнинг ўзгариши бўлди.

Чингизнинг дафтари ҳамон инспекторда эди, шунга кўра ўқитувчи доскага бошқа бир масалани ёзишга мажбур бўлди. Ўзинг яхши биласан, арифметикадан нуқул аъло оламан. Лекин ҳамма қатори мен ҳам роса эсанкираб қолган эканман, масалани сираям ечолмадим. Дафтарларимизни кўриб, инспекторнинг қовоғи уюлди. Ўқитувчимиз қанчалик хижолат бўлганини айтмайсанми?! «Инспектор мендан сўрайдиганини сўрасину ўқитувчимизнинг юзини ёруғ қилай», дейман ўзимга-ўзим. Кейин аста пичирлайман: «1492. Дадам. Султон Меҳмед Фотиҳ, Меъмор Синоп. 1492...»

Инспектор менинг ҳолатимни сезган эканми, тўсатдан:

— Қани, ўрнингдан тур-чи,— деб қолди.

Хурсанд бўлиб кетдим. Дарров дик этиб ўрнимдан

турдим. Нима бўлганини болалар кейин гапириб беришди. Инспектор олдинга:

— Ёшинг нечада?— деб сўрабди.

Азбаройи юрагим типирчилаб турганидан саволи қулоғимга бошқача эшитилибди. Мендан Америка қачон кашф этилганини сўраяпти, деб ўйладим.

— 1492, афандим,— дедим овозни баралта қўйиб. Инспекторнинг кўзи ола-кула бўлиб кетди.

— Нима-а-а? Неча ёшдасан?

Назаримда, жавобни дўндириб қўйганман. Шунинг учун яна томоққа куч бердим:

— 1492, афандим.

— Истамбулни фатҳ этган ким?

Бериладиган жавобларни тартиб билан ёдлаб олганман. Шунга кўра навбатдаги жавобни айтдим:

— Дадам.

Инспектор нимани олдин, нимани кейин сўраши маълум эди. Энди бизга қолганда бу тартибни бузишини мен қаёқдан билай?!

Меҳмон полни гурсиллатиб бир тепди:

— Сендан Истамбулни ким фатҳ этган, деб сўраяпман.

— Дадам-да, афандим.

— Даданг ким ўзи?

— Меъмор Синон.

— Нима деб валдираяпсан, ўғлим? Дадангни сўрасам, меъмор Синон дейсан.

Иш пачава бўлганини шундагина тушундим. Аммо роса эсанкираб қолган эканман, бунинг устига инспектор бўкириб турибди, эс-ҳушимни йиғиб ололмадим.

— Хуш, меъмор Синон нима қилган?

Кутилмаган савол мени баттар чалғитиб юборди.

— Истамбулни фатҳ этган, афандим,— дедим жонҳолатда.

— Ким фатҳ этган?

— Ким бўларди, меъмор Сулаймон-да,— дедим ҳозиргина йўл қўйган хатойимни тузатмоқчи бўлиб.

— Ундоқ бўлса Сулаймония мачитини ким қурган?

— Султон Синон Фотиҳ.

Жавоблар бир-бирига қоришиб кетганини ўзим ҳам сезиб турибману, лекин ноиложман: карахт бўлган одамга ўхшайман.

Инспекторнинг ғазаби қайнаб кетди. Жаҳл устида нима деганини ўзи ҳам билмай қолди.

— Ўғлим, Американи қурган одам меъмор султон

Меҳмед бўлади. Сулаймония мачитини эса Фотиҳ Синон кашф этган.

Болалар пиқирлашиб қолди. Инспектор нотўғри гапириб қўйганини сезди.

— Яъни айтмоқчиманки, Синония мачитини меъмор Сулаймон қурган. Фотиҳни меъмор султон Меҳмед фатҳ этган.

Яна қовун тушириб қўйди.

— Мени ҳам йўлдан урдинг, болакай,— деди у охири ўзини оқламоқчи бўлиб.

Инспектор бошини тебрата-тебрата жаҳл билан ташқарига чиқиб кетди.

Синф сув қўйгандек жим бўлди.

— Минг афсус!— деб юборди ўқитувчимиз анчадан кейин ўзига келиб.

Бу гапни у менга қаратиб айтдим, инспекторгами ёки ўзигами — яхши тушунолмадим.

Уша куни роса юзим шувут бўлди. Бунини сенга таърифлаб беришга ожизман. Шу воқеа эсимга тушса ҳали-ҳали азоб чекаман. Холбуки, ниятим холис эди. Мен инспекторнинг сўраган нарсаларига шариллатиб жавоб бермоқчи ва бу билан ўқитувчимизнинг обрў-йинини сақлаб қолмоқчи бўлган эдим.

Сен ҳам ваъдага вафо қил. Янгиликлардан ёзиб тур. Хўп-ми? Хатингни кутаман. Сенгаям муваффақият тилайман, дўстим.

*Синфдошинг Аҳмад Тарбай.*

## ДАДАЛАР АЪЛОЧИ БУЛАДИ

*Анқара, 19 ноябрь, 1963 йил.*

Қадрли дўстим Аҳмад!

Жавоб хатинг учун катта раҳмат. Менга ёзган хатинг ҳамини шунақа бир қулоч бўлсин. Бу ерда нима воқеа рўй берса, мен ҳам батафсил ёзиб тураман. Хатингни ўқиб турганимда сени кўз олдимда бир зум тасаввур қилдим. Шунда инспектор икковинг қаршимда намоён бўлдинглар. Кулавериш ичагим узилди...

Энди сенга уйимизни таърифлаб берсам. Биз тўрт қаватли бинода турибмиз. Ҳар бир қаватда иккитадан квартира бор. Биз иккинчи қаватдамиз. Дадамнинг уча-

ла ўртоғи ҳам шу бинода оиласи билан яшайди. Бу ҳақда сенга олдинги хатимда ёзган эдим.

Уйнинг орқаси майдон. Катта бўлса ҳам ҳувиллаб ётади. Кечқурунлари ҳаммамиз шу ерда ўйнаймиз.

Тунов куниям қий-чув кўтариб ўйнаб юрган эдик, дадаларимиздан гап чиқиб кетди. Ҳар ким ўзининг дадасини мақтайверди. Майда болалар айниқса туполон кўтариб юборишди. Метин деган укам бор. Ҳозир учинчи синфда ўқийди. Ҳаммадан шу укам ошиб тушди. «Менинг дадам зўрла, менинг дадам билағонла», деяверди кўкрагини кериб.

Аслида ҳақ гап бу. Дадамиз мактабда нуқул аъло баҳолар билан ўқиган эканлар. Буни ўз оғизларидан эшитганмиз.

Икки ўртада баҳс қизиб кетди.

— Менинг дадам сизларникидан зўр ўқиганлар. Синфдан синфга нуқул аъло баҳолар билан ўтганлар. Ҳа, мана шунақа,— дерди Метин бўш келмай.

Дадам билан бирга ўқиган ўртоғининг ўгли:

— Ҳо, роса олиб қочдинг-ку!— деди Метинни калака қилиб.

— Бу гапни кимдан эшитдинг ўзи?— сўради бошқа бир бола.

— Дадамнинг ўзлари айтганлар,— деди Метин керилиб. Кейин қўшиб қўйди:

— Ким ишонмаса, бориб дадасидан сўрасин. Ҳаммамизнинг дадамиз бирга ўқишган экан. Рост гапни айтиб беришади.

Каттароқ болалар даҳанаки жангга қўшилмай турган эди, мен билан бир синфда ўқийдиган қўшни қиз:

— Ёлғон гапиргани уялмайсанми, аълочи деб менинг дадамни айтса бўлади,— деб укамни койиб берди.

— Ўзинг ҳам алдоқчи экансан. Менинг дадам синфда ҳечам қолмаганлар. Нуқул аъло ўқиганлар. Тушундингми?— деди бошқа бир бола бўйнини чўзиб.

— Ғирт ёлғон бу. Даданг сени алдаяпти. Аълочи деб, менинг дадамни айтса бўлади.

— Дадам ҳечам алдамайдилар.

Катта болалар ҳам бунга қўшилганини кўриб, хунобим ошди. Баҳс тобора қизиб боряпти.

— Тўғрими, опа? Дадам аълочи бўлганлар-а? Ўзинг айт, булар эшитишсин,— деди укам мени мададга чақириб.

— Ҳа, тўғри, шундоқ бўлган,— дедим.



Қий-чув яна авжга минди.

— Қуй, хафа бўлма, ким нима деса деяверсин. Барибир фойдаси йўқ,— дедим укамни юпатиб.

Ёши биздан анча катта бир бола:

— Ҳамманг нотўғри гапиряпсан,— деди маҳмаданалик қилиб.— Ҳеч кимнинг дадаси аълочи бўлмаган. Тўғриси айтсам, уларнинг орасида фақат менинг дадам яхши ўқиганлар.

— Ол-а!— деди Метин қизишиб.

— Ишонмасанг, бориб дадангдан сўрашинг мумкин.

— Даданг лақиллатипти сени!

— Сени!

Метин ўзига иккита келадиган бу болага калла қилмоқчи бўлган эди, аранг ушлаб қолдим.

Уйга кетяпмизу Метин ҳадеб:

— Алдоқчилар... Мактабда фақат менинг дадам аълочи бўлган!— деб ҳўнг-ҳўнг йиғлади.

Уйга кира солиб, у оймнинг олдига югурди.

— Дадам аълочи бўлмаганмиш. Дадам алдоқчи эмиш.

Оймнинг жаҳли қўзиб, жеркиб берди:

— Учир овозингни! Бу нима қилиқ? Яна қайтарсанг, тилингни кесиб оламан.

Укам дарҳол жим бўлди.

— Нимага ачиқ қиласан, Метин,— дедим уни юпатиш учун.— Айб ўзимизда бўлиши ҳам мумкин. Дадамиз уларнинг дадалари билан бир мактабда ўқимагандир балки.

— Ўзлари доим бирга ўқиганмиз, дейишади-ку.

— Бўпти, кечқурун дадамнинг ўзларидан сўраймиз. Бор гапни айтадилар.

Ғулғулага тушиб қолдим. Бу масала мени ҳам қизиқтира бошлади. Кечқурун овқатланиб ўтирган эдик, дадамдан бояги гапни сўрадим.

— Ҳа, бирга ўқиганмиз, тўғри. Аслида тўртталамиз ҳам бир синфда ўқиганмиз. Мен улардан бири билан уч йил, қолган иккитаси билан беш йил бир синфда ўқиганман.

Кундузи оймнинг Метинга қилган пўписаси эсимга тушиб, бошқа нарса сўрашга юрагим бетламади.

Эртаси куни мактабга борганимда ёнимдаги партада ўтирадиган қиздан дадаси мактабда қандай ўқиганини сўрадим.

— Менинг дадам нуқул аъло баҳо билан ўқиган,— деди у.

Бу гапни орқамиздаги бола эшитиб қолди.

— Менинг дадам ҳам аълочи бўлган эканлар,— деди у керилиб.

Хуллас, бу масала бутун синфнинг оғзига тушди. Атиги уч бола дадаси ёшлигида қандай ўқиганлигини билмас экан. Қолган ҳамма ўқувчиларнинг дадаси аълочи бўлиб чиқди.

Аҳмад, хатимни олганингдан кейин сен ҳам дадангдан сўраб кўр — у кишиям мактабда аъло баҳолар билан ўқиган эканларми? Лекин аълочи бўлганларига ҳозирданоқ ишонаман. Чунки кимни олиб қарама, ҳамманинг дадаси негадир аълочи бўлиб чиқяпти.

Орадан икки кун ўтмаган ҳам эдики, бир пайт Метиннинг ўқитувчиси ойимни мактабга айттириб юборди. Маълум бўлишича, укамнинг ўқиши пасайиб кетибли. Ишдан қайтгач, бу гап даданинг қулоғига етди. Дадам Метинни анча койиб бердилар, кейин эса уни олдиларига ўтқазиб, ётиғи билан насихат қилдилар.

— Ахир мендан ибрат олсанг бўлмайдими, ўғлим? Мен сендек пайтимда ҳамма фанлардан аъло баҳо олиб ўқирдим. Бирор марта ҳам паст баҳо олмаганман. Синфда менинг олдимга тушадиган бола йўқ эди. Хўш, сен-чи? Уят эмасми, ахир! Нимага ўқишининг мазаси йўқ? Бола деган дадасига ўхшаши, ундан ибрат олиши керак-да, ахир.

Дадам анча ҳовуридан тушган эди, фурсатни қўлдан бергим келмади.

— Қўяверинг, дада,— дедим.— Метин ҳам катта бўлганида болаларига мактабда зўр ўқиганман, деб айтиши мумкин-ку.

Илмоқли гапимни ойим фаҳмлаб қолиб, дарров танбеҳга ўтдилар.

— Бу нима беадаблик, қизи тушмагур? Энди сенинг тилингни кесиб олайми? Ўзингдан катта гапираётганда тек ўтирсанг бўлмайдими?!

Буёғига индамай қўя қолдим. Дадам бошқа чурқ этиб оғиз очмадилар.

Хуллас, Анқарага кўчиб келганимиздан бери бундан бўлак йирикроқ воқеа юз бергани йўқ.

Мендан ҳамма синфдош ўртоқларга салом айт. Сенга ҳам муваффақиятлар тилайман.

*Синфдошинг Зайнаб Ёлқир.*

## ДАРСЛАР ЯНГИДАН БОШЛАНДИ

*Истамбул, 23 ноябрь, 1963 йил.*

Дўстим Зайнаб!

19 ноябрда ёзган хатингни олиб, қанчалик қувонганимни таърифлаб беролмайман.

Хунук бир янгилик бор: ўқитувчимиз мактабдан кетди. Бошқа вилоятга ишга ўтганмиш. Унга қаттиқ ўрганиб қолган эканмиз, эшитиб жуда хафа бўлдик. Охири дарсида биз билан хайрлашди, шунда баъзилар кузёши тўкиб олишди. Упкам тўлиб, ўзимни аранг босиб ўтирган эдим, синфдан чиқаётиб бошимни силаши билан мен ҳам чидаб туролмадим. Ҳўнграб йиғлаб юбордим.

Аслида ўқитувчимиз ҳўв ўша инспектор келган кундаги воқеадан кейин менга унчалик рўйхуш бермай юрган эди. Шу хайрлашув куни бизга бир-икки оғиз ширин гап айтиб, ҳаммамизга муваффақият тилади.

— Яна кўришгунча хайр, болалар!

Шундай деди-ю, эшикка қараб юрди. Ёнимдан ўтиб кетаётганида эса бошимни аста силаб қўйди.

Янгиси ҳам эркак ўқитувчи. Биринчи дарсига кириши биланоқ нималарни ўтганимизни суриштира кетди. Ҳар қайсимизни бирма-бир турғизиб, кетма-кет саволлар берди. Жавобларимиздан сира қониқмади.

— Афсус... Минг афсус... Ҳеч нимани билмас экансизлар!— деди у охири бошини чайқаб.

Дамир бор-ку, Дамир, синфимизнинг аълочиси. Ҳатто шу Дамирнинг жавобларидан ҳам кўнгли тўлмади-я. Навбат менга келди. Билганимни гапириб бердим. У бўлса нуқул «эсиз, эсиз» деб тиззасини шапатилаб ўтирди. Менга қолса, сўраган нарсаларига тўғри жавоб бердим.

Болалар бирин-кетин дарсларни гапириб беришяпти-ю, у бўлса дам-бадам:

— Шунча йил ўқиб, ҳеч нима ўрганмабсиз-да? Бекорга келиб-кетиб юраверибсизлар-да? Эсиз вақт, эсиз... Уқиш эмас, уқиш керак эди, уқиш,— деб нолийди бошини чайқаб.

— Нима, сўраган нарсангизга тўғри жавоб бермадимми?— деди бир пайт Минне ўпкаси тўлиб.

— Йўқ, жавобинг тўғри бўлди,— деди янги ўқитувчимиз. Кейин қўшимча қилди:— Ҳа, тўғри жавоб бердинг. Лекин юзаки, саёз. Ҳаммаларнинг шунақа, билмларнинг саёз экан.

Унинг бу гапидан қаттиқ ранжиган бўлсак ҳам индамадик. Эски ўқитувчимизнинг дарсларидан ёмон баҳо олиб юрган уч-тўрт бола буни эшитиб ғимирлаб қолди. Янги ўқитувчининг гапи уларга мойдек ёққан эди.

— Эски ўқитувчимиз яхши дарс берарди, ёмон ўқимасдик,— деди Дамир ўзини тутолмай.

Ҳа, жавобларингиздан билиниб турибди,— пичинг қилди янгиси.

Шундан кейин у стол атрофида бирпас айланиб юргач, мулойимлик билан гап бошлади:

— Болалар! Мана энди келишиб олайлик. Илгари ўқиган нарсаларингизни энди унутасиз. Мутлақо эсан чиқаринглар. Ҳамма дарсларни янгидан бошлаймиз. Тушунарлими?

Дамир қўл кўтариб сўради:

— Ахир биз китобда нима ёзилган бўлса, шуни ўқиган эдик-ку?

— Мен сизларга энди ҳаммасини эсан чиқаринг, деб айтяпман!

Янги ўқитувчининг биринчи дарси шундай ўтди. Та-наффусда болалар тарафма-тараф бўлиб кетишди. Баъзилар эски ўқитувчининг ёнини олган бўлса, бошқалар янгисини ҳимоя қилишди. Очигини айтсам, ҳеч кимга қўшилмай бетараф қолдим.

Бир пайт қўшни «Б» синф ўқувчилари билан гаплашиб қолдик. Маълум бўлишича, уларга ҳам ўқув йилининг бошида янги ўқитувчи келган экан. Худди бизни кига ўхшаган воқеа юз берибди. Уларнинг янги ўқитувчиси ҳам дарсга биринчи кирган кунпёқ: «Илгари нима ўтган бўлсангиз, ҳаммасини эсан чиқаринглар!» деб буюрибди.

Янги ўқитувчимизнинг бу услуби айрим болаларга жуда қўл келиб қолди. Ўқитувчининг бирор саволига нотўғри жавоб бериб, дакки эшитадиган бўлишса, дарҳол:

— Олдинги ўқитувчимиз бизга шундоқ деган эдилар, афандим,— дейишади.

Ўқитувчимизнинг эса баттар фиғони фалакка чиқади:

— Минг марта айтдим-ку сенларга, илгари ўтилган нарсаларни эсан чиқаринглар деб!

Мияга ўрнашиб қолган дарсларни унутиш қийин бўларкан. Бу иш фақат Дамирнинг қўлидан келди, холос.

Бир куни дарсга мактаб директори кириб қолди.



Тарих дарси эди. Директор дарсларни қандай ўзлашти-  
раётганимизни билмоқчи бўлди шекилли, Дамирни ўр-  
нидан турғизиб, қатор саволлар берди:

— Урта аср маданияти нима?

Дамир индамади. Директор бошқа саволга ўтди:

— Китоб босишни ким кашф этган?

Дамирдан садо чиқмади. Директор унинг аълочили-  
гини биларди, шунинг учун ҳайрон бўлди:

— Ҳа, нима бўлди, нега индамайсан?

— Ҳаммасини унутдим,— деди Дамир.

— Бўлмаса Америка қандай кашф этилганини сўз-  
лаб бер.

— Унутдим, афандим.

— Уйғониш даври деб нимага айтилади?

— Эсдан чиқардим, афандим.

— Бу қандоқ гап, ҳеч нарса эсингда қолмапти,—  
хуноби ошиб деди директор.— Хўш, нимани биласан  
ўзи, шуни гапириб бер.

— Ҳозир ҳеч нарса билмайман. Билганларимни эс-  
дан чиқариб юбордим.

— Ҳа, печук?

— Янги ўқитувчимиз шундоқ дедилар, эски ўқитув-  
чингиз нимани ўтган бўлса, энди ҳаммасини унутиб  
юборинглар, деб айтдилар.

Директор мени чақирди.

— Ҳиндистонга денгиз йўлини биринчи бўлиб ким  
ошган?

— Ана холос! Аксига юриб, шу топда кашфиётчининг  
исмини унутиб қўйибман. Аслида тилимнинг учида ту-  
рибди-ю, лекин ҳечам эслаёлмадим. Дамир боя жўрт-  
тага айтган бўлса, мен ростакамига унутган эдим.

— Эсимда йўқ, афандим,— дедим охири ноилож.

Директор кўзойнагининг устидан ўқитувчига бир қа-  
раб кўлди-да, индамай синфдан чиқиб кетди. Гўё ҳеч  
нима бўлмагандай, ўқитувчи дарсни келган жойидан  
бошлаб юборди:

— Хўш, ёвуз Салим султонга келсак..

Танаффусда болалар Дамир икковимизни ўраб олиб,  
тасдиқ айтишди. Аслида эса Ҳиндистонга денгиз ор-  
қали борадиган йўлни ким кашф этгани мутлақо ёдим-  
дан кутарилган эди.

\* Мендаги бу парижонхотирлик касали бошимга яна  
кўп савдолар солди. Мана, яна бир шингилини эшит.

Жула-шарманда бўлдим.

Висла бўлмай бўлди. Ўзинг биласан, мактабда ота-

оналар кенгаши, оила-мактаб иттифоқи, деган нарса бор. Бир куни ота-оналар мажлисидан кейин қўлбола концерт қўйиб беришга аҳд қилдик. Менга декламация қисмини топширишди.

Илгариги ўқитувчимиз бир дарсда қўйни жуда мақтаб гапирган эди. Қўй ғоят фойдали жонивор, сут беради, ёғ қилади, гўшти лаззатли бўлади, жунидан матолар тўқилади, терисидан иссиқ пўстин чиқади, суяклариди илик бўлади, унинг қийи ўғитнинг зўри ҳисобланади, деб айтган эди.

Уша куни дарсдан чиқибоқ битта шеър ёзиб ташлаган эдим. Мана ўша шеърим:

### Қ У И

*Думбаси бор жиққа мой,  
Елини-чи, сутга кон.  
Майингина жуни бор,  
Кийимбор экан обдон.  
Соп чиқади шохидан,  
Гўшти — лаззат уяси,  
Териси пўстин берар,  
Ўғитман, дер қийиси.*

*Кўклам келса қўзилар,  
Суякка илик тўплар.*

Ёзган шеърим эски ўқитувчимизга жуда маъқул бўлди. У, ота-оналар мажлисидан кейин концерт бўлади, ўшанда албатта ўқиб берасан, деб тайинлади.

Ўзимда йўқ суюниб кетдим. Шундан кейин шеърни пухта ёдлаб олмоқчи бўлдим. Беш-олти кунгача шу иш билан овора бўлдим. Мақсад — ўзим ёзган шеърни концерт пайтида шариллатиб ўқиб бериш эди. Аммо омадим келмади — мени концертга чиқармоқчи бўлган ўқитувчимиз лоп этиб бошқа мактабга ишга ўтиб кетди. Унинг ўрнига келган янги ўқитувчи менинг тайёргарлигимдан хабар топган экан, шеърни ўз қулоғи билан эшитмоқчи бўлди. Ўқиб бердим.

— Бу шеъринг мутлақо ярамайди, — деди у. — Илгари ўқиган нарсаларни миядан чиқариб ташланглар, деб айтган эдим-ку, ахир. Бошқа шеър бераман, концертда шуни декламация қиласан.

У менга ўқиш китобини очиб «Ватаним» деган шеърни кўрсатди.

— Мана шуни ёдлаб ол. Концертда яхшилаб декламация қиласан!

Аммо ёдлашга вақт қани! Мажлис эртага белгиланган. Бир кунда уни ёдлаб бўладими. «Ватаним» шеърини сен билсанг керак. Уқиш китобларимиз бир хил бўлса, ўша саҳифани очгин, кўрасан. Тополмасанг, мана ўқиб кўр:

## ВАТАНИМ

*Эй, заррин либосларга зап ўралиб олган,  
Эй, бўлиқ бошоқлару боғ-роғларга тўлган  
Ва осмон бўйи дoston битган ватаним, ҳей!*

*Эй, ўша буюк инсонни берган онанинг,  
Эй, жабру жафо, кураш, имон ҳамда ноланинг  
Ва Синон битган чўнг қуббанинг ватани, ҳей!*

Хуллас, «эй» билан бошланиб, «ҳей» билан тугайдиган оддий бир шеър! Аммо қанчалик ҳаракат қилмай, вақт жуда оз бўлгани учун уни яхши ёдлаб ололмадим.

Эртасига мактабга келишим билан ўқитувчимиз:

— Қани, концертдан олдин бир репетиция қилиб кўрайлик-чи. Уқи шеърни, эшитамиз,— деб қолди.

Ўзим билганимча ўқиб берган эдим, унга маъқул бўлмади:

— Ярамайди. Шеър деган бундай декламация қилинмайди,— деди у норози бўлиб.

Яна қайтариб декламация қилдим. Барибир унга ёқмади.

— Шеърни шеърдек ўқиш керак, бўтам. Бу сенга кўчада ўтган-кетгандан адрес сўраш деган гап эмас. Жойига қараб овоз янграб чиқиши ёки майин бўлиши лозим. Баъзан пардани титратиб бос. Лозим бўлса овозинг ипакдек майин бўлсин, керагида эса арслондек наъра торт. Шуни ҳам айтиб қўяйки, шеър ўқиётганингда чап қўлни белга тираб, ўнг қўлни тўғрига узатиб тур. Иннайкейин, «ҳей» деган ундов келганида оёғинг билан полни қаттиқ дўпиллатиб ур. Мана, ҳозир сенга кўрсатаман, кўриб қўй. Шеър декламация қилиш мана бунақа бўлади.

Ўқитувчимиз шеърни ўзи айтганидек қилиб ўқиб

берди. «Хей» деган жойга келганида унғ оёғини даст кутариб, полни зарб билан бир тепди.

— Гап деган бундоқ бўпти. Ғанимларнинг бошини янчиб, ер билан яқсон қилмоқчи бўлган одамдек, бор кучинг билан полни тепишинг керак.

Айтганини қилдим. Аммо хаёл оёққа кетиб, шеърнинг баъзи мисраларини унутиб қўя бошладим. Аслидаку ўз билганимча декламация қилаверганимда ҳечам янглишмасдим-а...

Шеърни айтган усулида бошлаб ўқиб бердим, аммо тепишишларим унга ёқмади. Ҳар гал полни дуқиллатиб тепганимда: «Қаттиқроқ, қаттиқроқ теп! Пошна билан, пошна билан!» деб турди.

Кўп уриниб кўрдим, барибир кўнгли тўлмади. Охири сабри чидамади:

— Мана, қараб тур, яна бир марта кўрсатиб берман!

Ўқитувчи «хей» деб ўкирганича полни гурсиллатиб бир тепган эди, синфнинг дераза ойналари шарақлаб кетди.

— Ана, кўрдингми энди. Турк ўғлони депсинганида ер мана шундай ларзага келмоғи керак. Ҳа, шундоқ бўлсин.

— Сиздай қилолмайман, ўқитувчи. Чунки сиз энг камида юз кило келасиз, мен бўлсам бор-йўғи қирқ икки киломан,— жавоб бердим унга ўзимни оқлаш учун.

Меҳнати зое кетди, айтганини ҳечам эпллолмадим. Қаттиқ дарғазаб бўлди. Яна бир гал: «Ва осмон бўйи дoston битган диёрим, хей!» деганича жаҳл билан оёғини кутариб, полга бир урган эди, қаттиқ додлаб юборди.

Ўзинг яхши биласан, синфимизнинг поллари чириб кетган. Шу чириган тахталардан бири сишиб, оёғи кириб қолипти. Дарҳол ёрдамга келдим. Икковлашиб оёғини ковакдан зурға тортиб олдик. Шовқинни эшитиб, бошқа ўқитувчилар ҳам чопиб келишди. Ҳамма: «Нима бўлди, тинчликми?» деб сўрайди.

— Энди кўрдингми, бўтам,— деди ўқитувчи бир оёғини судраб ташқари чиқар экан.— Оёқ ҳар гал ерга текканида ҳаммаёқ ларзага келсин, худди ер қимирлаганга ўхшаб чайқалиб кетсин.

Ўқитувчи чиқиб кетганидан кейин бундоқ оёғимга разм солиб қарасам, ишнинг пачаваси чиқипти, ҳадеб хейлайвериб товошни шишириб қўйибман.



Концерт нақ икки соат давом этди.

Мен ўзим ёзган «Қўй» шеъримни салкам бир ой ёд олиб юрган эдим. Шунинг учун ҳам унинг сатрлари миямга қаттиқ ўрнашиб қолган экан, ҳадеб эсимга тушаверади. «Ватаним» шеърини ёдлаб юрганимда ҳам беихтиёр ўзимнинг сатрларим кўз олдимда турди. Бу янги шеърни бир амаллаб ёдлаб олдим, лекин ҳадеб оёқ кўтараверганим учун сатрларини адаштира бошладим. Афтидан, оёққа зўр бериб, мияни ишдан чиқариб қўйганга ўхшайман.

— Навбатинг келди! Тез бўл, саҳнага чиқ!— деб болалар мени орқамдан туртиб саҳнага чиқаришди.

Зал ота-оналар билан лиқ тўла экан. Ўқитувчимиз саҳна ортида бизга суфлёрлик қилиши керак.

Мен саҳнага чиқдим. Меҳмонларга бошимни силкиб, салом бердим. Аммо бошимни қимирлатишим биланоқ декламациянинг сарлавҳаси хаёлдан қочди. Бу қандай бедаволикки, Зайнаб, шу топда миямга ўзимнинг «Қўй» шеърим келса бўладими! Мен тушмагур илгари ёдлаб олган нарсаларимни унутиш ўрнига, янги ўрганган шеъримни эсдан чиқариб ўтирибман-а.

Қанчалик мушкул аҳволда қолганимни ўзинг бир тасаввур қилиб кўр. Мен саҳнадан туриб залда ўтирганларга термуламан, улар эса менга. Хуллас, анча вақтгача бир-биримиз билан кўз уриштириб туравердик.

Хайрият, ўқитувчимиз жонимга ора кирди — орқадан шеъринг номини пичирлаб айтди. Дарҳол овозимнинг борича «Ватаним!» деб қичқирдим. Уёғи яна эсда йўқ. Нима қилиш керак? Индамай турган билан бўлмайди. Сарлавҳани яна бир қайтарай, зора унгача буюғи эсга тушиб қолса, деган мақсадда яна бир марта «Ватаним!» деб ҳайқирдим. Яна жим бўлдим. Залда қарсақлар янгради. Ҳайрон бўлдим. «Ватаним!» деганимда нимага чапак чалишганига тушунолмадим. Шу пайт яна ўқитувчимизнинг ним овози эшитилди. Келган жойидан бошлаб юбордим. Аммо олдинги гал томоққа қаттиқ куч бериб қўйган эканман шекилли, овоз чиқмай қолди, хириллаб, зўрға «Эй!» деёлдим, холос. Яна чапаквозлик бўлди. Очиғи, гангиб қолдим. Миямда сатрлар бир-бирига қоришиб кетди. Зўрға ўзимни қўлга олиб, декламацияни бошлаб юбордим. Болалар кейин гапириб беришича, бу ажойиб шеърни шундоқ деб бошлабман:

## «ВАТАНИМ!»

*Эй, заррин либосларга зан ўралиб олган,  
Эй, бўлиқ бошоқлару бөг-роғларга тўлган  
Ва дoston бўйи осмон битган ватаним, ҳей!*

«Ҳей»ни айтган заҳоти полни зарб билан бир тепган эдим, турган жойимда бир газ осмонга сакратиб юборди. Биласанми, нимага? Боя ўқитувчи билан репетиция қилаётганимизда пошнадаги миҳ жойидан кўчган экан, билмабман. Уша миҳ шу топда шарт этиб товоonga кириб кетса бўладими?! Кўзимдан ўт чақнаб кетди. Товонимга биров бигиз қадаб, ўпкамини тешиб юборгандек бўлди.

Азобнинг зўрлигидан ёд бўлиб қолган сатрларни ҳам паққос унутдим-қўйдим. Мен нима аҳволдаману томошабинлар қийқириб кулишади. Ўқитувчидан мадад келар, деган умидда ўқтин-ўқтин орқага ўгирилиб қараб қўяман. Ўқитувчи ҳолимни сизди, шивирлаб айтса барибир қулоғимга кирмаслигини фаҳмлаб, овозини бемалол қўйиб юборди:

*«Эй, ўша буюк инсонни берган онанинг».*

Дарҳол илиб кетдим.

— Эй, ўша буюк инсонни берган онанинг... Онанинг... Онанинг...

Кейин нима келади, эслаёлмайман... Зора лоп этиб эсимга тушса, деган хаёл билан яна икки-уч марта шунни қайтариб айтдим. Бўлмади. «Онанинг» дейману игнаси юрмай қолган пластинкага ўхшаб у ёғига ўтолмайман. Вужудимни қалтироқ босди. «Онанинг... Онанинг...» деб йиғламоқдан бери бўлиб турган эдим, қўққисдан ўзим ёзган сатрлар миямга келиб қолди. Таваккал қилиб буёғини улаб кетдим:

*Онанинг... Онанинг... Онанинг...  
Думбаси бор жиққа мой,  
Елини-чи сутга кон,  
Майингина жуни бор...*

Ўқитувчимиз ҳам сатрларни кетма-кет етказиб турибди. Олдин ундан эшитганимни қайтараман-да, кейин ўзимникини тиркаб юбораман.

*Эй, жабру жафо, кураш...  
Соң чиқади шохидан,  
Гўшти — лаззат уяси.  
Уғитман, дер қийиси, ҳе-ей!*

Декламацияни тугатдим узимни ичкарига урдим. Гулдурос қарсақлардан мактабимиз чайқалиб кетди.

— Нима қилиб қўйдинг ахир, Аҳмад?— деди ўқитувчимиз синиқ овоз билан.

— Иложим қанча, афандим,— дедим унга қараб.— Одамзод билган нарсасини дарров унутиб юбора олмас экан, жуда қийин бўларкан.

Яна бир нима дейдиган бўлсам, алаимдан йиғлаб юбораман. Упкам тўлиб турибди. Ўқитувчи икковимиз чулоқланиб йўлга тушдик. Яна миҳ кириб кетишидан қўрқиб, зўрга оёқ босаман.

— Катта истеъдодинг бор экан-ку, ўғлим,— деди уйга қайтгач дадам.— Кулдиравериб ҳамманинг ичагини уздинг-ку.

Ойим унинг гапига қўшилди:

— Кўзда ёшим қолмади кулавериб. Нақ жинни бўлаёзгандим-а...

Шеърларни янглишиб аралаш-қуралаш қилиб юборганимни ҳеч ким сезмабди. Ҳамма жўрттага қиляпти, деб уйлабди.

Хуллас, Зайнаб, кейинги кунларда шунақа машмашалар бўлди.

Сенинг даданг ҳам мактабда нуқул аъло олиб ўқиганми, деб сўрабсан. Йўқ, дадам, афсуски, аълочи бўлмаган. Нега десанг, у ўқимаган. Агар мактабга қатнаган бўлганида менга аъло баҳолар билан ўқиганман, деб айтган бўларди, албатта.

Мен завқ билан ўқийдиган хатларингни кутаман. Соғ бўл.

*Собиқ синфдошинг Аҳмад Тарбай.*

## ИШЛАГАН — ТИШЛАЙДИ

*Анқара, 26 ноябрь, 1963 йил.*

Дўстим Аҳмад!

Менга ҳамиша шунақа узундан-узоқ хатлар ёзавер. Хўпми? Узундан-узоқ деганимни кўнглингга олма, аслида уни бир зумдаёқ ўқиб чиқдим. Синфда бир-икки болага ҳам ўқиб берган эдим, тоза мириқиб кулишди.

Бу томонларда салқин тушиб қолди. Энди олдимиздаги майдонда уйнамай қўйдик. Мактабдан келиб, дарсларимни тайёрлайман, ойимга қарашиб юбораман. Опамнинг бунақа ишларга хуши йўқ. Супургини кўрса ўтакаси ёрилади. Унинг энг яхши кўрган иши — ошхонага кириб олиб, пирожний ёки кекс пишириш. Аммо опам ошхонага кирса, ойим юрак ўпшоғида юради. Нега деганда, опам бир кун ошхонага киргудек бўлса, ойим бир ҳафтагача қийналади — ҳамма нарса остинустин бўлиб кетгани учун қўйган буюмини жойидан тополмайди.

Шу опамни узатмоқчи бўлиб юришувди, фотиҳаси бузилди. Кейинги пайтларда уйимизда ҳамманинг оғзида шу тўй масаласи эди. Укам Метиннинг бир оғиз сўзи опамнинг фотиҳасини бузди-қўйди...

Баъзан кечқурунлари дадамнинг ўртоқлари бизни кига тупланишади ёки биз уларникига чиқамиз. Хуллас, ҳафтада камида икки кун меҳмондорчилик бўлади. Тўрт оғайни бир жойга йиғилди дегунча, дарров Зайналбейдан гап очилади. Зайналбей деганлари — бу дадамгилар ишлайдиган идоранинг хўжайини.

— Жонимга тегди шу гап. Нуқул Зайналбей, Зайналбей дейсизлар. Бошқа гап қуриб қолганми ахир, — дейди ойим норози бўлиб.

Шундан кейин гап бошқа мавзуга кўчади. Лекин орадан сал ўтмай яна Зайналбей тилга тушиб қолади. Ҳаммалари уни ёмонлаб кетишади.

Зайналбейнинг яна икки-уч жойда идораси бор экан. Ўзи жуда бадавлат эмиш. Бунинг устига мол-дунёси кун сайин ортиб бораётганмиш. Зайналбей аслида ишламайдиган, қовоқбош бир одам экан. Бошланғич мактабни зўрға амал-тақал қилиб битирган экан.

Дадамнинг ошналаридан бири Зайналбейга элат бўларкан. Ўша бир воқеани гапириб берди.

— Зайналбей аслида биздан ўн ёш катта, — деди у. — У учинчи синфда ўқиб юрганида, мен эндигина мактабга қатнай бошлаган эдим. Демак, бир синфда неча йилдан ўтириб чиққанни хомчўт қилиб чиқиш мумкин. Мен бошланғич мактабни битирганимда у ҳамон тўртинчи синфда ўқирди. «Ўғлинг шу ернинг ўзидан домла-имом бўлиб чиқади», деб одамлар унинг отасини калака қилишарди. Ўша кезлари Зайналнинг соқол-мўйлови сабза уриб, йигитча бўлиб қолган эди. Бир кун денг, мактабга инспектор келиб қолди. Тўғри Зайнал ўқийдиган синфга кирибди. Ўқитувчиси ёшгина йигит



экан. Инспектор бундоқ қараса, мўйловли Зайнал ўтирибди-ю, ёшгина йигит тик турибди. «Нега ўрнингдан турдинг, ўғлим, ўқитувчинг ҳеч нима демади-ку», дебди инспектор ўқитувчи йигитга. У ўсал бўлиб, қип-қизариб кетибди. Зайналдай бефаросат, қовоқбош болани кўрмаганман.

— Нима, ҳозир ўзгариб қолганми? Илгаригидан бешбаттар мияси суюлиб кетган-ку,— дейди дадам.

«Кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайдиган овсар», «Тентаклар ичида дунё чемпиони...» Ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Сендан ўқиб одам чиқмайдиганга ўхшайди, яхшиси, кўзим тириклигида ёнимда юр, савдо-сотикни ўрган, деб отаси уни мактабдан қайтариб олибди. Шу-шу Зайнал савдо ишларига шўнғиб кетибди. Тез фурсатда катта бойлик орттирибди.

Уларнинг гапига қараганда, Зайналбей ўтакетган дангаса, алифни калтак деёлмайдиган қовоқбош одам бўлсаям, унинг зўр бир қобилияти бор экан—у одам ишлатишни қийвораркан. Зайналбейнинг қўша-қўша идора ва ширкатларида бир талай меъмор, инженер, адвокат, врачлар ишларкан.

— Ўқимаган ҳам маъқул экан. Хўш, бизлар ўқиб нима бўлдик? Охири шу саводсиз Зайналбейга келиб ялиндик-да. Мана энди унга ишляапмиз,— дейди шунда дадам чуқур уҳ тортиб.

Зайналбейнинг калтабинлиги ҳамманинг оғзига тушган экан. Бир пайт у ёнида одамлари билан Фелеменкка сафар қилган экан. Бу ерда у анча туриб қолибди.

Кейин жунаб кетишаётган экан, шерикларига қараб:

— Фелеменк дегани ҳам яхши мамлакат экан, менга жуда ёқди. Энди Голландияни<sup>1</sup> бир бориб кўриш керак, ажойиб жой дейишади,— дебди.

Польшада ҳам худди шу воқеа рўй берган экан.

— Мен Польшага келдик, десам, бу ер Лаҳистон экан-да. Энди шунинг жазосига Польшани ҳам бир кўриб келмасам бўлмайди,— деб тоза кулги бўлган экан.

Тунов кuni бизникида яна Зайналбейнинг устидан кулиб ўтиришган эди, Метин тўсатдан:

— Бу одам шу қадар аҳмоқ, ишёқмас, калтабин экан, қандоқ қилиб бой бўлган бўлмаса?— деб гап қотиб қолди.

---

<sup>1</sup> Турк тилида Голландия ҳам «Фелеменк», ҳам «Ҳолландия» тарзида қўлланилади.

— Катталарнинг ишига ёш болалар аралашмайди, айб бўлади,— деди ойим Метинга танбеҳ бериб.

— Сен ҳали ёшсан, бунақа нарсаларга тушунмайсан,— очиғини айта қолди дадам.

Опамни мана шу Зайналбейнинг ўғлига унаштириб қуйишди. Тўғрироғи, иккала томон қуда бўлиш ҳақида келишиб олди.

Опамни ҳеч кўрганмисан? Менга сираям ўхшамайди. Яъни мен унга ўхшамайман. Жуда барно қиз.

Бу ҳақда бизларга биров оғиз очгани ҳам йўқ. Опамнинг ўзиям чурқ этмади. Аммо чала-чулпа гапларни эшитиб юрибмиз. Уйдагилар гимирлаб қолганини дастлаб Метин сизди. Ойим бирор юмуш қилсаям оғзидан ашула тушмайдиган бўлиб қолди. Опамнинг бўлса боши осмонда. Буни биздан яширмоқчи бўлади-ю, лекин хатти-ҳаракати билан сирни ошкор қилиб қўяди.

— Эшитдингми, опамизни яқинда унаштиришармиш,— деб қолди бир куни Метин.

— Яхши гап, унаштиришаверишсин.

— Қимгалигини биласанми?

— Қимга экан?— ўзимни гўлликка солиб сўрадим.

— Зайналбейнинг ўғлига.

Индамаган эдим, хафа бўлди.

— Ҳа, эшитяпсанми? Зайналбейнинг ўғлига беришармиш.

— Хўш, нима қипти? Нега аччиғинг келяпти?

— Нима қипти эмиш-а! Бундан чиқди, сен ҳам уларнинг томонида экансан-да?

— Тўйи билан менинг нима ишим бор.

Метин уйда ҳаммадан кўра кўпроқ менинг гапимга ишонарди. Шунинг учун баттар тутақиб кетди.

— Нимага ишинг бўлмайди? Мен хоҳламайман. Бўлмаган гап бу!

Яна қўпириб кетмаслиги учун индамай қўя қолдим. Укам ичидаги гапларни тўкиб солди:

— Зайналбейни ўзлари нуқул ҳўкизга ўхшаган одам, калласи йўқ, деб айтишарди-ку! Нима, опамни келиб-келиб шу ҳўкизнинг ўғлига беришадими?

— Ўғлининг йўриғи бошқа.

— Ҳо! Нега бошқа бўларкан? Ҳатто лицейни ҳам тугатолмапти-ку. Отаси уйига ўқитувчи ёллаб, пулнинг кучи билан зўрға гувоҳнома олиб берган экан. Кейин ўғлига энди ўқишни йиғиштир, ўғлим, бўлмаса миянги суюлиб, савдо ишига ярамай қоласан, дебди. Хўш, ёл-

ғонми шу? Дадамнинг уртоқлари айтишди, ўз қулогим билан эшитганман.

— Бу гапни зинҳор ойимга айта кўрма, Метин. Ҳарҳолда катталар биздан кўра кўпроқ нарсани билишади, — дедим уни бир оз совутиш учун.

— Ҳа, биламан, сен ҳам шуларнинг ёнини оласан, — деди Метин зарда қилиб. — Аммо дадамга ҳайронман.

— Нега?

— Нега эмиш! Бу қандоқ гап ўзи — ҳам Зайналбейни ёмонотлиқ қилишади, ҳам ўшанинг идорасида ишлашади.

Метин шартта ўгирилиб чиқиб кетди. Кўзёшини кўрсатгиси келмади, чамамда. Чунки охириги жумлани гапирганида ўпкаси тўлиб турган эди.

Уша кундан бошлаб Метин тамоман ўзгариб қолди. Илгаригидан ҳам бебош, кўрс ва баджаҳл болага айланди. Бирор кун йўқки ўқитувчилари ундан шикоят қилишмасини. Ўтакетган тўполончи, ялқов бола, деган таъналар ёғилиб кетди. Ўқиши жуда пасайиб кетибди. Дадам қаттиқ ташвишга тушиб қолди. Метинга яхшиликча насиҳат қилиб кўрди, бир-икки марта савалаган ҳам бўлди, барибир фойдаси тегмади. Бунинг устига Метин мактабдан қочадиган одат ҳам чиқариб олди. Ойим уни эрталаб мактабга элтиб қўяди. Метин бўлса у кетиши билан жуфтасини ростлайди. Дадам минг ширин муомала қилгани билан у чурқ этмай ер чизиб тураверади.

Бир куни уни гапга солиб, кўнглидагиларни билиб олмоқчи бўлган эдим:

— Бунақа ишларга сен аралашма, ҳали ёшлик қиласан, — деб жеркиб берди.

Метинни деб уйимиздан ҳаловат йўқолди. Ойим тез-тез кўзёши қилиб оладиган, дадам эса қовоғини солиб юрадиган бўлиб қолди.

Бир куни кечқурун Метин уйга келмади. Қош қорайиб, кеч бўлди ҳамки, ундан дарак йўқ. Ҳаммамиз уни қидиришга тушдик. Суриштирмаган жойимиз қолмади. Нонлож уйга қайтдик. Дадамнинг уртоқлари ҳам хавотир олиб, бизникига келишди. Ойим, «энди нима қиламан», деб юм-юм йиғлайди. Эркаклар Метинни яна қаердан суриштириш мумкинлигини ўйлаб ўтиришибди. Тўсатдан қўнғироқ чалинди. Ҳамма дув этиб эшикка югурди. Эшикни очсак, Метин экан. Ундан хавотирланиб, ҳамма юрагини ҳовучлаб ўтирибди-ку, Метиннинг бўлса парвойи палак. Уртоқлари: «Келганида

ҳозир уришма, қўй», дейишгани учун дадам ноилож индамади. Ҳамма ўз иши билан овора бўлиб ўтираверди.

Бирпасдан кейин дадам Метинни ёнига чақириб, унга насиҳат қилди.

— Мактабдан қочадиган, дарсларини қилмайдиган боланинг охири вой бўлади, ўғлим,— деди дадам мулойимлик билан.— Кимки меҳнатсевар бўлса, ўша одам кўп пул топади, кейин унинг роҳатини кўради. Сен ёш пайтингда кўп ишлашинг, яъни ўқишинг керак, токи катта бўлганингда роҳат-фароғатда яшагин.

Дадамнинг гапи ҳамиша шу. Ўртоқлари ҳам уни қувватлаб гапиришди.

— Меҳнатнинг таги роҳат, жиян. Ишлаган — тишлайди.

— Ҳа, омаднинг калити ҳам меҳнатда.

Қовоғини уюб, ерга қараб турган Метин бирдан ҳушёр тортди:

— Меҳнат қилинса, қанча пул ишлаб топса бўлади?

— Ким кўп тер тўкса, ўша кўп пул топади.

— Хўп, кўп тер тўккан киши Зайналбейчалик бадавлат бўла оладими?

Ҳамма жим бўлди. Метин бу билан нима демоқчи бўлгани равшан эди.

— Бизлар ҳам бир пайт сенга ўхшаган бола бўлганмиз,— деди дадам салдан кейин ноқулай жимликни бузиб.— Бизлар ҳам болалик нималигини тушунамиз. Аммо биз болалик пайтимизда...

Метин гапни чўрт кесди:

— Тер тўкиб дарс қилмаган одам кўп пул топади.

Дадам тутақиб кетиб, ўшқириб берди:

— Ҳа, энди даданг сенга ёлғончи бўлиб қолдими?

Метин ҳўнграб йиғлаб юборди.

— Йўқ, унақа демоқчи эмасман,— деди у пиқиллаб.— Ахир ўзингиз ҳар куни Зайналбей ишёқмас, Зайналбей аҳмоқ, Зайналбей овсар дейсиз-ку. Бўлмаса нега унинг қўша-қўша фабрикаси, ширкати, идора ва магазинлари бор? Машинасиям кўп, уйлариям кўп. Ўғлиям ўзига ўхшаган, ёмон ўқиган.

Ийғи зўрайган сари Метин авжга чиқди:

— Энди мактабга бормайман. Зайналбейга ўхшаб бой бўламан. Қўл остимда уникидан ҳам кўп одам бўлади. Ҳаммасини ишлатаман. Серғайрат, ўқимншли одамларни мен ҳам идорамга ишга оламан.



Метин жойига кириб кетди. Гапининг схирина ўша ердан эшитдик.

Дадамнинг кўнгли бузилди.

— Майли, ўғлим, билганингни қил. Уқининг келмаётган бўлса, майли, ўқима.

Ҳозирча хўп деяйлик, деган маънода ўртоқларига кўзини қисиб қўйди.

Ойим Метинни юз-қўлини ювишга олиб кетди.

— Ҳамма айб ўзимизда,— деди дадамнинг ўртоғи.— Бола-чақанинг олдида андиша қилмай гапираверамиз. Булар бор жойда ҳамма гапни ҳам гапириб бўлавермайди.

Шу ерда ўтирган хотини унга кўзи билан мени имо қилиб кўрсатди.

Яна бири луқма ташлади:

— Жиянининг гапида жон борга ўхшайди. Чиндан ҳам шунча йил ўқиб, биз нима бўлдик... Зайналбейга ёлландик, холос.

Метиннинг хулқи нега ўзгариб қолганини ойим билан дадам яхши билишарди. Ҳаммасига Зайналбейнинг ўғли, яъни опамнинг бўлажак қаллиғи сабаб бўлди. Шу воқеадан кейин орадан бир неча кун ўтгач, фотиҳани бузишди. Опам ишга кирди. Ҳозир бинойидек ишлаб турибди. Узиям бўлғуси куёв болага кўнгли йўқроқ эканми, ҳарҳолда ҳозирги мустақил ҳаётидан мамнуи эканлигини кўриб юрибман.

Метин ичидаги гапларни тўкиб солган кушининг эртасидан бошлаб ўқишга кетди. Ҳозир у ипакдек мулоғим бўлиб қолган. Тўйни барбод қилгани учун юраги бир оз ғашланди шекилли, уйда қўйдек беозор юради. Дарсларидан ҳам етишиб олди. Уй ичидагиларнинг ҳаммаси билан муросани тиклади-ю, лекин менга ҳамон ола қараб юрибди. Ҳа, қаттиқ хафа бўлганга ўхшайди. Нега деганда, ўша пайтда уни қўллаб-қувватламадимда. Аслида-ку мен ҳам худди шу фикрда эдим-а, аммо унинг қўллаган усули менга тўғри келмаса нима қилай. Хай, майли, тез кунларда ярашиб кетармиз. Шунга умид қилиб юрибман.

Хатни кечки овқатдан кейин ёзаяпман. Энди уйқу келяпти, ёта қолай. Эртага дам олиш куни. Ойим Метин икковимизни болалар театрига олиб бораман деган.

Ўртоқларимнинг ҳеч қайсисини унутганим йўқ. Ҳаммангизни соғиндим. Баъзан бирга тушган расмларимизни кўриб, сизларни бир-бир эслаб ўтираман. Ҳамма ўр-

тоқларга салом айт. Узингга ҳам катта муваффақиятлар тилайман.

*Уртоғинг Зайнаб Елқир.*

## ФИДОНИ БОЛАЛАР

*Истамбул, 30 ноябрь, 1963 йил.*

Қадрли Зайнаб!

Хатингни олганимга икки кун бўлди. Уша куниёқ жавоб ёзгим бор эди-ю, лекин ўқитувчи уйга кўп вази-фа бериб юборгани учун улгуролмадим. Шунга кўра энди жавоб ёзаяман.

Янги ўқитувчи менга маъқул бўлиб боряпти. Директор синфимизга кириб қолганда, Дамир нима ҳунар кўрсатганини сенга айтиб берган эдим. Ушанда ҳаммамиз Дамирнинг шўри қуриди, деб ўйлаган эдик. Йўқ, ўқитувчи унга ҳеч қандай чора кўрмади. Ўзимнинг ҳам ўтакам ёрилиб юрган эди. Акси бўлиб чиқди. Ҳозир у мен билан жуда яхши муносабатда.

Сўнги пайтларда фидойилик мавзун ўқитувчимизнинг оғзидан тушмай қолди. Фидойилик ҳақида эшитган-билган гапларини айтиб беради-да, кейин:

— Хўш, буни қандоқ тушундинглар? Бу ҳақда нима дейсиз? Қиссадан ҳисса нима?— деб биздан фикр сўрайди.

Ўқитувчимизга мен нега маъқул келиб қолганимнинг сирини айтмайми? Мен ҳамиша унинг кўнглидаги гапни топиб айтаман — қиссадан чиқадиган ҳиссани топиб гапираман. У ҳикоясини бошлаши биланоқ кўзланган муддаони сезиб оламан-да, сўраганда дарров жавобни ёпиштираман. Бундан у жуда мамнун. Ҳар сафар жавобидан кейин: «Офарин, Аҳмад!» деб қўяди, сўнгра:

— Сизлар ҳам ҳаётда мана шундай фидойи бўлинглар, болалар!— деб бутун синфга ўгит беради.

Кунлардан бирида шу мавзуда қаттиқ тортишиб қолдик.

Ўқитувчининг кўнглига қараб жавоб беравериш мени ниҳоятда зериктириб юборди. Бир ҳикоя айтиб берган эди, шунини ўз билганимча таърифламоқчи, бу ҳақда ўзимнинг фикримни билдирмоқчи бўлдим.

Буниси ҳам фидойилик ҳақида эди. Мен сенга унинг қисқача мазмунини гапириб берай.

Уруш пайти. Қишлоқ мактаби. Қишлоқда бизнинг

